2006 ЙИЛ, 19 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (10.673)

Баҳоси эркин нархда

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Яккасарой туманидаги «Яккасарой—1», «Яккасарой—2», Муқимий маҳаллалари болалари учун «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган компьютер курслари ўз фаолиятини бошлади.

●**БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 5-кутубхонасида китобхонлар, «Бинокор» маҳалласи ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «XXI аср вабоси» деб номланди.

●**ЎТГАН** куни Учтепа туманидаги «Кўҳна Чўпон ота» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Учтепа» спорт мажмуасида хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол, шахмат, шашка турлари бўйича Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўтказилган мусобақалар туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилди.

●**БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги Абдували Абдукамолов, «Себзор», «Янги Себзор», «Намуна», «Қорасарой» маҳаллаларида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими томонидан маҳаллалар ёшлари иштирокида «Тилларни ўрганамиз» шиори остида инглиз тили машғулотлари ўтказилди.

●**ЎТГАН** куни Яккасарой туман марказлашган кутубхоналар тизимининг марказий кутубхонасида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган давра суҳбати «Маънавий юксалишда китобнинг ўрни» деб номланди.

●**ЎТГАН** куни «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан Пушкин номидаги марказий кутубхонада уюштирилган «Кутубхона куни» мавзуидаги тадбирда туман маҳаллаларида яшовчи ёш китобхонлар иштирок этишди.

●**БУГУН** Миробод туманидаги Баротхўжа, Қўйлиқ ота, «Матонат» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланди.

● **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Учтепа туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида «Ўткир», «Жарбулоқ» маҳаллалари ёшлари иштирок этишди.


● **ШАҲРИМИЗДА** жойлашган «Трамвайчи» оромгоҳида уюштириладиган спорт мусобақалари «Ёз — ўтади соз» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида хорижлик талабаларнинг тил ўрганишлари масаласига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман академиянинг тил ўргатиш маркази томонидан уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида немис тилини ўрганиш бўйича ташкил этилган кўрик-танлов ғолиблари тақдирланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Яккасарой—2» маҳалласи болалари иштирокида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида кўчма спорт ўйинлари ташкил этилди.

(Ўз мухбирларимиз хабарларидан).



ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ БЕТАКРОР ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ. БУ ЕРДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МИСЛИ КЎРИЛМАГАН БУНЁДКОРЛИК ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

ЮРТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ТИМСОЛИ

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдони — азиз мамлакатимизнинг муқаддас тимсоли эканлигини кўп бор таъкидлаган.

Майдонга қадам қўйган ҳар бир ватандошимизнинг дилида чексиз фахр ва ватанпарварлик туйғулари янада жўш уради.

Янгича қиёфа касб этган ҳукумат биноси майдонга янада чирой бағишлаган бўлса, Сенат кўзни янада қувонтиради. Бу ерда астойдил меҳнат қилаётган қурувчилар янгидан бунёд этилаётган 14 қаватли маъмурий бино қурилишини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига якунлашни ният қилишган. Иккита катта фаввора қурилиши ҳам ниҳоясига етмоқда. Фавворалар метронинг «Мустақиллик» бекатидан чиқишда — ўнг томонда жойлашади. Уларнинг рўпарасида — Тасвирий санъат галереяси. Унинг ёнида эса Бизнес-марказ биноси қурилиши якунланмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган Эзгулик аркаси майдонга алоҳида кўрк ва мазмун бағишлаган. Унинг марказий фигураси — лайлаклар парвоз қилаётган ер шари — эл-юртимизнинг тинчлик ва хотиржамлиги рамзи. Бугун майдонга келганлар Эзгулик аркаси орқали ўтиб, Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қиладилар.


Кўплаб лойиҳачилар ва қурувчилар, монтажчилар ва электриклар, боғбонлар ва мироблар меҳнати туфайли майдон жуда жозибадор ва шинам қиёфага эга бўлди. Жумладан, бетон қопламалар олиб ташланиб, улар ўрнида яшил майсазорлар, арчалар, кўплаб фавворалар барпо этилди.

Қарийб ўн гектарлик ерни эгаллаган майдоннинг ҳар бир қаричи — бетакрор ва батартиб. Бу ерга ёшу қари, шаҳарлик ва пойтахт меҳмонлари дам олиш учун келади. Майдон Тошкентнинг ҳақиқий маънавият марказига айланган.

Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги майдонларни суратга олганман — Москва ва Парижда, Брюссель ва Ханойда, Дамашқ ва Мозори Шарифда, аммо аминманки, бизнинг Мустақиллик майдонимиз улар орасида энг чиройлиси!

Рустам ШАГАЕВ,
ЎзА мухбири.
Муаллиф суратлари.
СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдони.





ЎЗБЕКИСТОН АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА «ҲУҚУҚИЙ ОНГДАН ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Фармон ва ижро

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Ҳарбий суди ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда Президент Ислом Каримовнинг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотларининг изчил ҳамкорлиги йўлга қўйилгани аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган халқимиз учун бу муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини узлуксиз тараққий этаётган ҳуқуқий тизимга уйғун ҳолда ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириляпти. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини ошириш мақсадида ҳуқуқий ахборотлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгаймоқда. Бунинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллиги ошмоқда. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг амалий иштироки тобора кенгайиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда айни ютуқлар таҳлил этилиши билан бирга, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ЯНГИ АХБОРОТ РЕСУРСИ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ҲОЗИРГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ ШУНДАН ИБОРАТКИ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ФАОЛ ВА ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА.

Бирок, бизнесменлар, айниқса, энди иш бошлаётган тадбиркорлар ўз ишини ривожлантиришда маълумотлар танқислигига дуч келмоқда. Ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдали кредитлар, инновация лойиҳалари, янги ускуналар ҳақидаги маълумотларни изламай топишга кўп вақт сарфламоқда. Кўпчилик ўз ҳуқуқини яхши билмайди ва баъзан назорат қилувчи ва бошқа органлар расмиятчилиги олдида ҳимоясиз қолади.

Тадбиркорлар ва Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бошқа тузилмалар хабардорлигини ошириш мақсадида бизнесни ривожлантириш учун www.bir.uz ахборот портали ишга туширилди.

2004 йил сентябрида Ўзбекистон бизнес-инкубаторлари ва технопарклари ассоциацияси (БИТА) ташаббуси билан Жаҳон банкининг ахборот-коммуникация технологияларини бизнес-инкубаторлар тизимига интеграциялаштириш бўйича infoDev дастури молиявий кўмагидаги лойиҳа амалга оширила бошланди. Ундан мақсад - ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан янада самарали фойдаланиш йўли билан хусусий тармоқ ва бизнес- инновациялар ривожини фаоллаштиришга кўмаклашишдир.

Бизнес-ахборот ресурси /www.bir.uz/ ишбилармон доиралар вакиллари учун мўлжалланган тўлиқ ва тезкор ахборотга эга. У инновация лойиҳаларини амалга ошириш, янги ускуналар ишлаш, инвестиция жалб этиш, молиялаш, суғурта, қонунчилик каби масалалар бўйича бирлашган ахборот манбаи ҳисобланади. Ахборот портали қўшимча маълумот олиш, тажриба ошириш, ҳамкорлик нуқтаи назаридан Интернетдан бошқа фойдаланувчилар - талабалар, иқтисодчилар, молиячилар учун ҳам фойдали бўлиши табиий.

Лойиҳанинг мақсадларига «ҚҚРБИ» (Қорақалпоғистон Республикаси), «УФҚ» (Қашқадарё вилояти) ва «Бухоро» (Бухоро вилояти) бизнес- инкубаторлари базасида ахборот кўмаги марказларини (АКМ) ташкил этиш, уларни АКТ ресурслари билан жиҳозлаш ва малакали кадрлар тайёрлаш ҳам киради. Мазкур вазифа БМТ Тараққиёт дастури ёрдамида амалга оширилган эди.

Ҳозир фаолият кўрсатаётган бизнес-инкубаторлар ўртасида виртуал хусусий тармоқни ташкил этиш ишлари давом этмоқда. Бу тадбиркорларга бизнес-инкубатор қаердалигидан қатъий назар, ахборот ресурслари ва Интернетдан фойдаланиш имконини беради. Бундай ёндашув пойтахт, кичик шаҳарлар ва вилоят марказларида АКТ ўртасидаги мавжуд фарқларни қисқартиришга катта ҳисса қўшади. Пойтахт ва жойларда очилаётган кенг ахборот имкониятлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан жиддий шуғулланмоқчи бўлганлар сонини янада кўпайтиришда муҳим омил бўлади. Зеро, тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосини ташкил этади.

ЎзА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Умумтаълим муассасалари қурилиши ва уларни таъмирлашга доир қонунларининг Андижон вилоятида ижро этилиши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жамғармаси ва мамлакатимиз олий ўқув юртлари вакиллари Франциянинг Гренобль шаҳридаги Пьер Мендес Франс университетида бўлишди. Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш доирасида ривожланган давлатлар университетлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдир.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий Бизнес мактаби Корпоратив бошқарув марказида вазирликлар, хўжалик бирлашмалари, уюшмалар ва корхоналарнинг кадрлар бўйича раҳбарлари учун семинар ташкил этилди. Унда корхоналарнинг юқори ва ўрта бўғин кадрлари таркибини тайёрлаш ҳамда корхоналар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ услубиётга ўргатиш масаласи кўриб чиқилди.**

● **Республика Таълим марказида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи натижалари ва учинчи босқич вазифаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар таълим марказлари, туман халқ таълими бўлимлари мутасаддилари, педагоглар иштирок этди.**

● **Юртбошимизнинг «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Пскент тумани деҳқон бозори маъмурияти ташаббуси билан қора моллар кимошди савдоси ташкил этилиб, мол бозори қайта таъмирланди ва ободонлаштирилди.**

● **Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ўтказилган семинарда «Микрокредитбанк»нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишини самарали йўлга қўйиш учун қандай ишларни бажариш лозимлиги муҳокама этилди.**

● **Навоий шаҳридаги «Қизилқум саховати» корхонасига замонавий технология ўрнатилгач, ёз неъматларини қайта ишлаш имкони яратилди. Швециянинг «Swe Rvs Group AB» молиявий компанияси билан ҳамкорликда иш бошлаган корхонада ҳозирда кунига 200 тонна ўрик шарбати ва 300 тонна помидор қайнатмаси тайёрланмоқда.**

● **Жиззахда Республика ва вилоятлар илмий-универсал, болалар ҳамда кўзи ожизлар кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

● **Андижон педагогика коллежида талабаларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида хусусий радиостудия очилди. Энди ҳар куни машғулотлар бошлангунига қадар ҳамда танаффусларда радио муҳарририяти жамоаси талабаларни дунё хабарлари, ўқув жараёнидаги янгиликлар, маҳаллий шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари билан таништиради.**

ЖАҲОНДА

● **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашган Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажот АҚШ, Хитой, Россия, Буюк Британия, Франция ва Германия томонидан ядро дастури билан боғлиқ муаммони ҳал этиш юзасидан берилган таклифларни олға ташланган қадам сифатида баҳолади.**

● **Ҳиндистон БМТ Бош котиби лавозимига расмий равишда номзод кўрсатди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, номзоднинг номи Шаши Тарур бўлиб, у амалдаги Бош котиб Кофи Аннаннинг коммуникация ва жамоат ахбороти бўйича ўринбосаридир.**

● **Европа парламенти Сочида ўтказилган Россия— Европа Иттифоқи саммитида энергетика соҳасида аҳдлашувларга эришилмаганликдан таассуф билдирди. У Россияни энергетика хартияси бўйича шартномани ратификациялашга, энергияни тежаш ва унинг қайталанувчи манбалари соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирди.**

● **Буюк Британияда мамлакат Қироличаси Елизавета II таваллудининг 80 йиллиги ўзига хос тарзда нишонланди.**

● **Чеченистонда амалга оширилган махсус операция чоғида Аслан Масхадовнинг издоши, ўзини амалда мавжуд бўлмаган Ичкерия Президенти деб эълон қилган террорчи Абдул Ҳалим Саъдуллаев йўқ қилинди.**

● **Италияда ёмғир ёғмаётганлиги сабабли кучли қурғоқчилик юзага келди. Фермерларнинг кўз ўнгида бутун ҳосил сувсизликдан нобуд бўлмоқда.**

● **Россия Париж клубига ўзининг 22 миллиард долларлик қарзини муддатидан олдин бериши юзасидан келишиб олди.**

● **Россия флоти янги ва ўз тарихидаги энг йирик супертанкер билан бойиди. Владимир Тихонов номли ушбу танкер 1 миллион баррел нефтни ташиш имконига эга бўлиб, етти қаватли бино баландлигига эга. У энг мураккаб об-ҳаво шароитларида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.**

Маҳалланг— ота онанг

ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГУСИ

ЯҚИНДАГИНА ШАҲРИМИЗДА ЎЗ ЯКУНИГА ЕТГАН МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИЛАНИШЛАР ВА ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЧИНАКАМ КЎЗГУСИ БЎЛДИ.

Халқ хоҳиш ҳамда истаклари билан маҳаллага етакчилик қилишдек масъулиятли вазифани зиммасига олган раис (оқсоқол)лар эндиликда ўз вазифаларини бажаришга киришдилар. Шу маънода Ўзбекистон Касаба уюшмалари Кенгаши ўқув марказида Мирзо Улуғбек тумани «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўтказилган семинарга туман фаоллари, яқиндагина ўз вазифаларига сайланган маҳалла раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилдилар.

Йиғилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Хаджиев кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар кўламининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот берди. Яқиндагина масъулиятли вазифани бажаришни бошлаган оқсоқоллар самимий мубораквод этилди. Юксак ишонч замирида маҳалланинг оғир-енгил кунида фидойилик, жонкуярлик ва ташкилотчилик сингари фазилатларнинг талаб этилишига эътибор қаратилди.

Шундан сўнг маҳалла ва давлат ҳуқуқ органларининг ҳамкорлиги ҳақида туман прокурори Баҳром Эрматов, ИИБ бўлими бошлиғи Баҳодир Усербоев, мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Раҳматулла Тошхўжаев, кам таъминланган оилаларга яратилаётган қулайликлар хусусида туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари Алишер Валиев, молия бўлими бошлиғи Жамшид Зуфаров, маҳаллаларда қурилаётган янги бинолар ҳақида туман бинолардан фойдаланиш департаменти бўлими бошлиғи Равшан Ҳакимжонов, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бош мутахассиси Гавҳар Манзурова, бош меъмор Олим Яқубжоновларнинг маърузалари тинглади.

—Яқинда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг 52 нафар оқсоқолларимизни сайлаб олдик,— дейди туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Жамолиддин Шоҳакимов.— Шулардан 24 нафари янги сайланган оқсоқоллардир. Бугунги тадбиримизда туман фаоллари ва фуқаролар йиғинлари раислари ижтимоий-маиший аҳамиятга молик бир қатор масалалар бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳозирги кунда «Нур» маҳалла марказини қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда. Барча қулайликларга эга марказда маҳалла тизимидаги ишларни мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари жамғарма томонидан ташкил этилган шўъба корхонаси ҳисобидан Наманган вилояти, Чортоқ тумани далаларида етиштирилган ҳўл мева маҳсулотлари Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси учун арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда.

Рустам РУСТАМОВ





Шаҳрим менинг — фахрим менинг...

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Ҳозир дунёнинг етти мамлакатида оммавий ахборот воситалари музейлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай музейлардан яна бири Жанубий Кореяда ташкил топди. Бу ерда 10 мингдан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда. «Газета тарихи», «Муҳим текширувлар», «Медиа тарихи» деган заллари эса нодир экспонатларга бой. Улар жаҳон матбуотининг тарихи ва бугунига доир маълумотлар ҳақида ҳикоя қилади. «Медиа» зали музейга келувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда учта катта экран ўрнатилган бўлиб, улар орқали ҳаттоки бугунги нашрларгина эмас, балки 2050 йилда чиқарилиши кўзда тутилган газеталарнинг андозалари лойиҳалари ҳам тасвирлаб берилади.

● Австралиянинг «Вумера» ҳарбий полигонида япон ва француз олимлари товушдан тез учувчи йўловчи самолётини синовдан ўтказди. Янги самолёт машҳур «Конкорд» самолётларидан ҳам тез учади ва Токио—Нью-Йорк ўртасидаги масофани олти соатда босиб ўтади. Француз авиаторлари япон технологиялари асосида таннархи анчагина арзон, йўловчилар учун қулай, шовқинсиз самолёт яратишга ҳаракат қилишмоқда.

● БМТнинг «Халқаро ёшлар муаммоси» ахборотномасида ҳозирги дунё ёшлари инсоният тарихидаги энг билимли авлод деб тан олинганлиги айтилади. Ушбу ташкилот экспертларининг хулосасига кўра, кейинги ўн йилликда мактабга қатновчи болалар сони 56 фоиздан 78 фоизга ошган. Олий ўқув юртлари талабалари 69 миллиондан 88 миллионга кўпайган. Бу ўзгаришларнинг аксарият қисми ривожланган мамлакатларга тўғри келади.

● Американинг «Юнайтед техноледжи» фирмаси муҳандислари одамлар баданидаги ҳароратни сезиб, чироқни ёқиб-ўчирадиган мослама яратдилар. Электрон детектор хонага одам кириши билан дарҳол чироқни ёқади. Хонадан ҳамма кетиб, орадан 15 сония ўтгач, чироқ автомат тарзида ўчади. Нью-Йоркдаги фирмалардан бирига ўрнатилган бу қурилма электр энергияси сарфини 50 фоизга қисқартирган. Лекин уни ўрнатиш қимматга тушади. Орадан уч йил ўтгачгина у ўз харажатини қоплайди.

● Японияликлар нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз. Япониянинг марказий қисмидаги йўналишда яқин йиллардан бошлаб икки қаватли йўловчи поездлар пайдо бўлади. Шарқий Япония темир йўл корпорацияси маъмурияти ана шундай қарорга келган. Чунки бу Токиони атрофдаги туманлар билан боғлашдаги транспорт муаммосини бирозгина бўлса ҳам ҳал этади.

● Англиялик Билл Смит ихчам машина ихтиро қилишга муваффақ бўлди. Бу «Пак местер» деб номланган машинада турли рўзғор чиқиндиларини пресслаш, ҳатто шиша идишларини ҳам майдалаш мумкин. Муҳими, у электр қувватида ишлайди. Катталиги эса музлатгичдек келади.

● Жеймс Гемзевск Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги IBM лабораториясида ниҳоятда кичик микроскопик калькулятор ясаган. У 60 та углерод атомидан ташкил топган. Агарда ҳар бир атомни оддий футбол тўпига тенглаштирилганда эди, унда калькулятор Эйфель минораси билан баравар бўларди.

● Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган рафия пальмасиники экан. Унинг худди чодир каби кенг япроғининг узунлиги 22 метр, эни 12 метрга тенг. Банди эса 5 метр келади. Бундай биргина япроқ остида 12 киши ёмғир ёки жазирамадан қочиб паноҳ топиши мумкин.

● Япон физиологларининг тажрибаларидан маълум бўлишича, шовқин таъсирида одам танасида помин деган дармондори кескин камайиб кетар ва шунинг учун одам шовқинда ўзини ёмон ҳис қилар экан. Мутахассислар сершовқин жойда ишловчиларга сабзи, тухум, сут истеъмол қилишни тавсия этишмоқда. Бу сарфланиб кетган дармондори ўрнини қоплар эмиш.

● Италиянинг Понца оролида сув остида танаффуссиз туриш бўйича мутлақ рекорд ўрнатилди. Италиялик ғаввослар — 37 ёшли Стефано Барбарези ва 29 ёшли Стефания Менса ўн кун мобайнида 8 метр чуқурликда бўлдилар. Тарихда биринчи бўлиб шундай уриниш муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Ўтказилган ушбу тажриба организмнинг узоқ зўриқиш ва сув босимига бўлган реакциясини ўрганиш имконини беради.

● Одатда мушуклар 10-12 йил умр кўради. Бироқ Австралиянинг Атика шаҳрида яшовчи 67 ёшли Бароннинг мушуги узоқ яшашда дунёда рекорд қўйган. Бу Том лақабли мушук 40 йилдан буён Бароннинг хонадонида яшайди. Уни барча оила аъзолари яхши кўришади. Барон 27 ёшида боқиб олган Том ўтган давр мобайнида бирор марта ҳам касалланмаган.

● Гавайликларнинг полинезия шеваси дунёда энг осон тил эканлигини тилшунослар таъкидламоқдалар. Чунки унда атиги 6 та ундош ва бешта унли ҳарф бор. Бундан ташқари, бироннта ҳам талаффузи қийин сўзлар учрамайди. Аммо бу тилни ўрганиш кўпам осон саналмайди. Чунки ўн битта товуш имлосидан жаҳон тиллари конструкциясидаги сўзларни тузишнинг ўзи бўлмайди-да.

● Норвегия шимолидаги Арктика бўшлиқларида «Ваггетем» деб номланувчи кичкина қишлоқча бор. Ана шу қишлоқча дунёда ўзининг энг кичик мактаби билан машҳурдир. Чунки бу мактабда маҳаллий айиқ овловчиларнинг атиги уч нафар фарзандлари ўқишади. Бу қишлоқда бор-йўғи 40 та киши яшайди, улар бир-бирлари билан жуда ҳам иноқ.

● Таиландлик талабалар энг кичкина мотоцикл ясашга муваффақ бўлишди. Мотоциклнинг узунлиги 43 сантиметр, баландлиги эса 18 сантиметр. Лекин ажабланарли жойи шундаки, у соатига 15 километр тезликда юриши билан бирга, 130 килограммгача бўлган юкни кўтара олади. Канакунжут мойи ёки спирт унинг асосий ёнилғиси ҳисобланади.

Анжуманлар

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ, РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯНАДА ШАКЛЛАНТИРИШ, АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТОБОРА КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ.

Куни кеча бўлиб ўтган шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги III-пленумида ҳам айнан шу ҳақда фикр билдирилиб, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилаётгани, кишилар онгида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, жумладан боқимандалик кайфияти ўрнини тадбиркорлик, ишбилармонлик, ишга ижодий ёндошиш эгаллаб, ҳуқуқий маданият юксалиб бораётганлиги қайд этиб ўтилди.

Хусусан пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда шаҳар касаба уюшмалари ташкилотларининг вазифалари тўғрисида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Ғайрат Зуннунов сўз юритар экан, улкан, бой интеллектуал салоҳиятларга эга бўлган халқимиз тафаккурининг тобора ўсганлиги ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғ, хайрли мақсадни амалга оширишда муҳим босқич эканлиги, давлатимиз раҳбариятининг ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, ижтимоий ҳимояни тобора кучайтириш борасида амалга ошираётган кенг кўламли тадбирлари ўзининг ижобий самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек Ғ.Зуннунов ўтган вақт ичида бажарилган ишлар, меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзолари, фарзандларини соғломлаштириш масаласи шаҳар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлигини қайд этди. Кейинги иш режаларига ҳам йиғилганлар эътиборини жалб этиб, бундан кейин ҳам ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти» томон одимлашда, эзгу, муштарак мақсадларни амалга оширишда касаба уюшмалари — меҳнат аҳлининг қонуний манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирди.

Пленумда сўз олган Автомобиль ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмиталари раислари шаҳар Кенгашининг раиси Абдулазиз Мавлонов, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Маҳамадалиева, «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаммадкарим Отажонов, «Ўзэлектротармоқ» унитар корхонаси директори ўринбосари Ҳабибулла Шамсиев, «Карвон» бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Людмила Тен ва бошқалар бугунги кунда ижтимоий шерикчилик ривожланаётгани, жамоа шартномалари ва битимлари тузилиб, улар орқали меҳнаткашларнинг меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳал этилаётгани, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган янги иш режалари, камчилик ва нуқсонлар, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Тадбир давомида узоқ йиллар касаба уюшма тармоқларида ишлаган энг фаол ишчи-ходимларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА БОЛАЛАР НЕВРОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ, ШИФОКОРЛАРИ, ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ БИЛАН БИРГА ГЕРМАНИЯ, РОССИЯ, ҲИНДИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН КАБИ МАМЛАКАТЛАРДАН КЕЛГАН МУТАХАССИСЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов мамлакатимизда улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, оилаларда соғлом фарзанд дунёга келиши ва вояга етишини таъминлаш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Бу борадаги ишларни амалга оширишда тиббиёт муассасалари, тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида илм- фан эришаётган ютуқлардан кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг натижасида касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор услублари яратилаётир. Тошкент педиатрия тиббиёт институти неврология кафедраси мудири, профессор Гулчеҳра Содиқованинг айтишича, истиқлол йилларида мазкур кафедра олимлари яратган ушбу йўналишдаги аксарият замонавий тиббий технологиялар амалда яхши самара беряпти.

Олимларимизнинг илмий-тадқиқотлари жаҳондаги нуфузли халқаро илмий муассасалар мутахассислари томонидан кенг эътироф этилаётир. Жумладан, уларнинг орқа мия касалликларига ташхис қўйишнинг янгича мезонлари ва мия пардаси ва унинг моддалари яллиғланишини даволаш бўйича олиб бораётган изланишлари Европа неврологлари уюшмаси танловида ғолиб деб топилди.

Анжуманда илм-фан эришаётган ана шундай ютуқлар, болалар неврология хизматини такомиллаштириш йўллари, неврологияда нейропсихологик текшириш услублари, болалар орасида учрайдиган асаб хасталикларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари ва воситаларини қўллаш самарасига бағишланган маърузалар тингланди. Бу борадаги жаҳон тиббиёти ютуқлари ва тажрибасини ўрганиш юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

Иқтисодиёт

ТАННАРХНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛИ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАРАЖАТЛАР АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХАРАЖАТЛАРНИ ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАШ ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ МУҲИМДИР.

Аудитни жавобгарлик марказлари бўйича ўтказиш шуни кўрсатадики, унда ҳар бир бўлинма фаолият натижаларини баҳолаш учун муайян жавобгарлик марказининг олиши мумкин бўлган фойда ҳажмини аниқлаш мумкин. Бунинг натижасида ҳар бир жавобгарлик марказида қилинган харажат ва олинган фойда таҳлил этилади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик жавобгарлик марказлари бўйича аудит қилишда турли муаммолар мавжуд бўлиб, улар:

— хўжалик жавобгарлик марказларида комплекс харажатларнинг тақсимланиши, турли методларнинг қўлланиши, аудит жараёнида муаммоларнинг юзага келиши (яъни сотишга асосланган метод, натурал кўрсаткичлар методи, соф сотиш қиймат методи ва ялпи фойдадаги доимий улуш методларининг қўлланилиши);

— билвосита харажатларнинг тақсимланиш базасининг нотўғри танланиши натижасида маҳсулот таннархида ижобий ёки салбий оғишларнинг юзага келиши ва бошқалар.

Аудитни хўжалик жавобгарлик марказлари бўйича олиб бориш асосан қуйидаги босқичларда амалга оширилади, яъни:

— хўжалик жавобгарлик марказлари бўйича аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш ва режалаштириш;

— хўжалик муомалаларини тестлаш;

— ҳар бир жавобгарлик марказининг молиявий ҳисоботга кўрсатган таъсирини аниқлаш;

— ҳар бир хўжалик жавобгарлик марказлари бўйича йиғилган маълумотга асосан аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини расмийлаштириш.

Ишлаб чиқариш корхонасида жавобгарлик марказлари харажат маркази, сотиш маркази, фойда маркази ва инвестиция марказларидан иборат. Харажат марказлари фаолият туридан келиб чиққан ҳолда турли корхоналарда турлича бўлади, жумладан харажат марказларини ишлаб чиқариш цехлари, ишлаб чиқариш технологик лабораторияси, бош технолог, механик хизматлари ва бошқаларга бўлиш мумкин. Бизнингча, ушбу марказлар бўйича аудитни ўтказиш корхонада ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш ва уларни самарали бошқариш учун зарур бўлади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти миллий стандартларидан, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомлардан ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланиш керак. Бу ишлаб чиқариш харажатларининг таркибини аниқлаш, уларнинг қонуний амалга оширилганлигини билиш учун муҳимдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ишлаб чиқариш харажатларини жавобгарлик марказлари бўйича аудит қилиш, жавобгарлик марказларида қилинган харажат ва олинган фойдани тўғри ҳисоб-китоб қилиш ҳамон ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Б.ЖУМАЕВ,
Тошкент молия институти магистранти

Мулоҳаза

ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШИ ШАРОИТИДА СОЛИҚЛАР МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ. МАЪЛУМКИ, СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИДИР. СОЛИҚ СТАВКАЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ ВА СОЛИҚЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШДА, ЭНГ АВВАЛО АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯХШИЛАШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ АСОСИЙ МАСАЛА ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Жаҳон амалиётида жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларидан ташқари ягона, оддий фоизли ставкада солиққа тортиш усули ҳам мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси солиқ тизимига назар ташлайдиган бўлсак, жисмоний шахслардан даромад солиғи ягона, оддий фоизли ставкада ундирилади.

Республикамизда эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси дифференциал прогрессив ставкага асосланган.

Фикримизча, мамлакатимизда жорий этилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи юқоридаги усулда амалга оширилса, бир қатор афзалликларга эришиш мумкин:

Биринчидан, солиқни ҳисоблаш тартиби имкон қадар осонлашади.

Иккинчидан, жисмоний шахсларнинг даромадлари кўпаяди ва реал даромадлар ошади, учинчидан, бу ставка барча жисмоний шахслар учун бир хилда белгиланади, тўртинчидан, энг муҳими, ушбу солиққа тортиш усули барча солиқ тўловчилар учун тушунарли бўлади ва улар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладилар.

Аммо бу усулни амалиётга татбиқ этиш жараёнида бюджетга ушбу солиқ тури бўйича тушумлар камайишига йўл қўйилмаслиги лозим. Демоқчимизки, солиқнинг оптимал ставкасини топиш керак. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг айрим соҳаларида ислоҳотлар ўтказиш, ишларни жадаллаштириш ва такомиллаштириш лозим. Масалан, инвестициянинг республикага кириб келишини жадаллаштириш лозим. Натижада ишчи ўринлари кенгаяди ва норасмий ишсизлар сони камаяди. Бундан ташқари, солиқ амалиётини такомиллаштириш, яъни муайян солиқ турларини эркинлаштириш лозим. Масалан, инвестицион муҳитни ривожлантиришга имтиёзлар берилиши ёки жисмоний шахслар фаолиятининг бир қатор турлари ҳужжатбозликни талаб этади. Бундай шароитда уларнинг даромадлари ягона оптимал ставкада солиққа тортилса, мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, бугунги кунда мавжуд солиқ сиёсатида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг республика бюджетини шакллантиришда муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ушбу солиқ тури эҳтиёткорликни талаб қилади. Ушбу солиқ ставкаларини такомиллаштиришда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширган ҳолда поғонали тизимга ўтилса, муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

Умурзоқ РАЖАБОВ,
Санжар САЛОҲИДДИНОВ



№5 (169) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Мулоҳаза

ҚОНУНЛАР АМАЛДА

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ— ТАБИАТНИНГ АСОСИЙ БИРЛИГИ ҲАМДА БОЙЛИГИ ҲИСОБЛАНАДИ. У ДОРИ-ДАРМОН, ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ИНСОНИЯТ ТАЛАБИНИ ҚОНДИРАДИГАН МОДДИЙ БОЙЛИК БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИДАН ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КОЛЛЕКЦИОН ЭСТЕТИК СУВЕНИРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларида ҳайвонот дунёси хилма-хиллигини сақлаб қолиш, яшаш муҳитини ҳимоя қилиш, уларнинг урчиб кўпайишларига шароит яратиш, табиий бирлигининг сақлаб қолиниши кўзда тутилган. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 1997 йилда қабул қилинган. Унда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 350-сонли қарорининг 2-иловасида «Балиқ, балиқ маҳсулотларини сотиш ва бошқа ҳайвонлар билан савдо қилиш юридик ва жисмоний шахслар, ҳокимият томонидан ажратилган махсус жойларда ўрнатилган тартибда маҳсулотларни овлаш ёки сотиб олиниши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат борлиги ҳамда сифат сертификати бўлганда амалга оширилади» деб таъкидланган. Бу кўрсатилган давр ичида ўзбошимчалик билан балиқларни овлаш, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни қонуний сотиш қатъиян ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилги 508-сонли қарорининг иккинчи иловасида ҳайвонот дунёсидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан ҳайвонларни яшаш муҳитидан ажратмаган ҳолда ва уларга зарар етказмасдан амалга ошириш лозимлиги айтилган.

Ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш эса Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилиши, овчилик маҳсулотлари сотилган тақдирда, жисмоний шахс ҳайвонларни тутишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасига эга бўлиши шартлиги қарорда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги 22-сонли буйруғига асосан Республика сув ҳавзаларида 25 апрелдан 31 майгача балиқ овлаш тақиқланади. Сабаби худди шу даврда сув ҳавзаларидаги балиқлар урчий бошлайди. Ўзбошимчалик билан ҳайвонот оламидан фойдаланиш, ҳайвонот оламига давлат мулкчилигини бузадиган бошқа шаклларда эгри йўллар билан шартномалар тузиш ҳолатлари ноқонуний ҳисобланади.

Уларни олти-сотди қилиш, совға сифатида бериб юбориш, бировга васият қилиш ноқонуний ҳисобланиб, маъмурий жавобгарликка олиб келади. Юқоридагиларга асосан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат мулкига хиёнат қилинадиган ишларнинг олдини олиш мақсадида, ҳайвонот дунёсини ва балиқларни уруғ ташлаш урчиш даврида ҳимоя қилиб, уларни ваҳшийларча нобуд қилишга йўл қўймаслик мақсадида, барча қонун ва талабларни ҳисобга олган ҳолда, бозор раҳбарияти, санитария-эпидемиология назорати бошқармаси, туман ҳокимиятлари, шунингдек солиқ қўмитаси ва ветеринария хизмати ходимларига балиқларнинг бозор пештахталарида сотилишига йўл қўймасликнинг таъминланиши юзасидан хатлар юборди. Ўз ўрнида қўмита томонидан жойлардаги савдо тармоқлари ҳамда бошқа Тошкент бозорлари ҳудудида балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишининг олдини олиш ва айбдор қонунбузарларни қонуний жавобгарликкка тортиш мақсадида рейдлар уюштирилмоқда.

«Янгиобод» бозорига қилинган рейдлар натижасида бозор ҳудудида 7 дона типратикан ва 1 дона тошбақани эгалари ташлаб қочиб кетганликлари сабабли, уларнинг шахсларини аниқлаш имконияти бўлмади. Тадбир натижасида ушланган типратикан ва тошбақалар Тошкент ҳайвонот боғига топширилди.

Санитария-эпидемиология назорати ходимлари билан биргаликда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари Тошкент шаҳридаги бозорларга рейдлар уюштирмоқда, натижада қонунбузарликка йўл қўйган шахслар аниқланиб уларга 77300 сўм миқдорида жарималар солинди ва ундирилди.

Ҳозирга келиб балиқ овлаш нафақат ҳордиқ чиқариш ва ишқибозлик, балки, инсоннинг осон даромад топиш йўли ҳамдир. Балиқ овловчилар томонидан қайиғида тўр орқали балиқ тутиш йўлларигина эмас, балки, ўзидан электр ток чиқарувчи мосламалар билан балиқ овлаш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Ушбу ўзидан электр тарқатувчи мосламаларнинг ток тарқатиш радиусига тушган балиқларнинг майдалари нобуд бўлади, йириклари эса урчиш, яъни кўпайишдан маҳрум бўлади. Бу эса балиқларнинг камайишига, ўз-ўзидан эса бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ана шундай нохуш ҳодисалар такрорланмаслиги учун, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан қўмита шаҳар аҳли, фуқароларни ҳайвонот дунёсига зарар етказмаслик ҳамда уларни асраб-авайлашга ўз ҳиссаларини қўшишга чақиради.

Ш.АБДУЖАЛИЛОВА,
Ўсимлик ва ҳайвонот бўлими бошлиғи

Алоқа

МАРКАЗДА ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИДА ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАШКИЛ ТОПДИ. АЛОҚА ТИЗИМИДА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА ЮЗАГА КЕЛГАН БУ ЛАБОРАТОРИЯ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНДИ.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибида фаолият кўрсата бошлаган мазкур тадқиқот маркази меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда техника хавфсизлигини таъминлашда муҳим назорат воситаси вазифасини ҳам ўтайди. Шу боис лаборатория алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатди.

РАҚАМЛИ КОММУНИКАЦИЯ ҚУРИЛМАЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ КЎРИЛМОҚДА. РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИДАН ҲАМ КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали йўли билан автомат телефон станцияларини рақамлаштириш билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Айни вақтда шаҳримизда 32 минг мижозга мўлжалланган рақамли коммутация қурилмалари ўрнатилди. 70 та линия кабель иншоотлари техник меъёр даражасига келтирилди.

Капитал қурилиш, линия-кабель иншоотларини туб таъмирлаш бўйича бир нечта янги лойиҳалар тайёрланди.

МИЖОЗЛАР СОНИ ОРТДИ

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛИДА ҲАМ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТЕХНИК ЖАРАЁНЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига қарашли ахборот ҳисоблаш марказининг бу борадаги изланишлари айниқса самарали бўлмоқда.

Тижорат ва хўжалик сектори абонентларига маълумотлар узатиш хизмати ҳам йўлга қўйилди. Бу эса маълумотлар узатиш тармоғи ва интернетдан фойдаланаётган мижозлар сонини янада ошириш имконини берди.

Акбар АЛИЕВ



Жарималар

ТЕКШИРУВДА АНИҚЛАНДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ НОЗИРЛАРИ ТОМОНИДАН ШАҲАР ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ҲУДУДЛАРДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Натижада қуйидаги жойларда қонун бузилиши аниқланиб, айбдорларга маъмурий жазо қўлланилди.

● Ҳамза тумани ободонлаштириш бошқармаси автохўжалик бошлиғи Д.Бекканов йиғилиб қолган чиқиндиларни ва эски автомобиль шиналарини ўз вақтида олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмаган. Шу сабабли назоратчилар унинг ҳисобига 15 минг сўм жарима ёзишди.

●Юнусобод туманидаги «Raupho» корхонасида экология ишлари бўйича М.Ўролов жавобгар этиб белгиланган. Нозирлар ушбу корхонада бўлганларида унинг ҳудудида қурилиш ва маиший чиқиндилар тўпланиб қолганлигининг гувоҳи бўлишди. Бундай нохуш ҳолга йўл қўйганлиги боис М.Ўролов ҳисобига 28 минг 200 сўм жарима ёзилди.

● Учтепа тумани ободонлаштириш бошқармаси автохўжалик бўлимига З.Қосимов бошчилик қилади. Бу ерда ҳам дарахтларга шакл бериш жараёнида кесиб ташланган шох-шаббалар ўз вақтида белгиланган жойларга чиқариб ташланмаган. Бу ҳолат учун бўлим бошлиғи 10 минг сўмлик жаримага тортилди.

●Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси хўжалик бўлими томонидан ўзбошимчалик билан Бўрижар канали қирғоғига маиший чиқиндилар чиқариб ташланиб, шу билан канал сувини ифлослантиришга йўл қўйилган. Бу қилмиши хўжалик бўлими бошлиғи И.Мадаминов ҳамёнига 15 минг сўм зарар келтирди.

●Нозирлар Яккасарой тумани, Усмон Носиров кўчасида жойлашган 54-уй олдида рухсатсиз дарахт кесилганлигининг гувоҳи бўлишди. Бу ҳолга йўл қўйган фуқаро Р.Қурбонов 9 минг 400 сўмлик жаримага тортилди.

●Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси ҳудудида йиғилиб қолган чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантириш чоралари кўрилмаган. Шу боис автохўжалик механиги Б.Исмоилов 10 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

●Миробод туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси бош механиклари З.Қосимов, Д.Қовунбоевлар ҳам юқоридаги ҳолатга йўл қўйишгани туфайли қилмишларига яраша жарима тўлашга мажбур бўлишди.

● Собир Раҳимов ва Бектемир туман ободонлаштириш бошқармалари автохўжалик бўлими бошлиқлари Р.Умаров, С.Эралиевлар ҳам ўз ҳудудларини озода сақлашни таъминламаганликлари боис белгиланган жаримага тортилдилар.

Муҳофаза

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

ИНСОНИЯТ ТАБИАТНИНГ БИР БЎЛАГИ, УНИНГ НЕЧА АСРЛАР ДАВОМИДА ЯШАШ УЧУН КУРАШ МАҲСУЛИ, У ЎЗИНИНГ ЯШАЁТГАН МУҲИТИГА, ЭКОЛОГИК ШАРОИТИГА МОСЛАШИБ ҲАЁТ КЕЧИРАДИ.

Инсон ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам табиатни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини сақлаб қолиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, асраш, авайлаш, табиий мувозанатни, муҳитни асраш ҳозирги куннинг долзарб экологик муаммоларидандир.

Ўзбекистонимизнинг кучи, қудрати, мўъжизакорлиги, ноёб табиий бойликлари, табиати тенгсиз хазинага эгадир. Она табиат диёримиздан ўз саховатини аямаган. Ўлкамизнинг ер шарининг энг қулай, қуёш ҳаракати истаган миқдорда тушиб турадиган бешинчи иқлимида жойлашуви юртимизга табиатнинг бебаҳо инъомидир. Ер юзида қуёшнинг нурига, қишнинг қумуш қорига зор бўлган ўлкалар, юртлар камми? Табиатнинг ўлкамизга нисбатан сахийлигини қарангки, унинг шифобахш булоқлари, хушҳаво тоғлари, хушманзара жойларини санаб адоғига етиш қийин. Ҳар бир тирик жон ўзидан насл қолдириш учун курашади. Эрта баҳорда оламга бир назар ташласак, қушларнинг ин ясаш учун хас-чўп ташиётганини, асаларичиларнинг гулдан-гулга қўниб бол ташиб уясига олиб кетаётганини кўрамиз. Бу — табиат қонуни. Шундай экан, инсон табиат мавжудотлари ичида энг ақллиси, онглисидир. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш, унинг мусаффолигини сақлаб қолиш инсониятнинг муқаддас бурчидир.

Мустақил республикамиз олдида табиатни муҳофаза этиш ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш каби буюк ва олижаноб вазифалар турибди. Кейинги пайтларда табиатни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор берила бошланди. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ўнлаб қонунлар, фармойишлар эълон қилинди, уларнинг бажарилиши ва ижроси бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш», «Чиқиндилар тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари, нозирлари, юқорида қайд этилган қонун ва фармойишларга таянган ҳолда фаолият кўрсатадилар.

Айнан табиат ҳолатининг ёмонлашуви ва сув манбаларининг ифлосланиши, ўрмон дарахтларининг кесилиши, катта-катта ҳудудларнинг саноат ва маиший чиқиндилар ахлатхонасига айланиши, охир-оқибатда одамларнинг узоқни кўра билмай иш тутиши — инсоният олдига мураккаб экологик саволларни қўймоқда.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Унда қуйидагилар таъкидланади:

1. Тегишли технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ, ўрмон ва хўжалик тармоқларидаги табиий жараёнларнинг кескин бузилишига олиб келадиган барча зарарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тўхтатиш.

2. Қайта тикланмайдиган заҳираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий заҳираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш.

3. Катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий заҳиралардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосларда ўзгартириш.

4. Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш.

5. Шаҳарсозлик ва туманлараро режалаштиришнинг илмий асосланган ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларда аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур.

6. Экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири

Таълим

ЎЗБЕК ТИЛИДА БИРИНЧИ МАРТА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ДОИРАДАГИ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА. БУНИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШИМИЗ МУМКИН.

«Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари» деб номланган китоб ҳам мутахассислар учун фойдали қўлланма бўлиб қолди. Олий ўқув юртлари талабаларининг ташқи иқтисодий фаолият масалаларига доир билимларини чуқурлаштиришда ҳам ушбу янги нашр қўл келади.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар мутахассислиги бўйича яратилган ушбу китоб ўзбек тилида ёзилган биринчи дарслик сифатида ҳам эътиборни ўзига тортади. У олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча иқтисод йўналишидаги таълим муассасаларига тавсия этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МИЖОЗЛАР УЧУН

МАМЛАКАТИМИЗДА «STOMASERVICE» СТОМАТОЛОГИЯ ШИФОХОНАСИ ИШ БОШЛАГАНИГА ҲАЛИ КЎП БЎЛГАНИ ЙЎҚ. АММО БУ ШИФОХОНА ТЎҒРИСИДА БИЛМАГАН ЁКИ ЭШИТМАГАН ОДАМ ТОПИЛМАСА КЕРАК. БУНГА САБАБ МИЖОЗЛАРГА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ ҲАМДА ИЛМ ВА ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИНИ АМАЛИЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ҚИЛИНИШИДИР. ЯҚИНДА УШБУ КЛИНИКА ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА ҚУРИЛГАН ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ЎТДИ.

— Янги бинонинг қулайликлари бисёр, — деди шифохона директори Улуғбек Холматов. – Икки қаватли бинода мижозларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, диагностика ва даволаш учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Стоматология шифохонасида тозаликка, айниқса тиббиёт асбоб-ускуналарининг стерилизациясига алоҳида эътибор қаратилади. Тишлар ва оғиз бўшлиғи касалликларини даволашда анастезия, тиш каналларини пломбалаш ва тишларни тиклаш ва сунъий тиш қўйишда ҳозирги замон технологиялари, компьютер рентген аппаратлари ҳамда шифокорларнинг юқори малакаси оғриқсиз даволашни таъминламоқда.

"STOMASERVICE" шифохонаси тишни даволашга ихтисослашган юртимиздаги биринчи тиббиёт масканларидан ҳисобланади. Шифохона Германиянинг "KaVo" компанияси кўмагида техник қайта жиҳозланган.

Маълумотларга қараганда "STOMASERVICE" шифохонасида ўн беш йил мобайнида 10 мингдан зиёд мижоз даволанган. Шифохона ўқув марказида жами 128 нафар стоматолог врач, 26 нафар тиш техниклари малака оширишди. 1999 йилда мазкур шифохона стоматологи тишларни тиклаш бўйича ўтказилган чемпионатда биринчи, 2004 йилда эса МДҲ давлатлари ўртасида ўтказилган худди шундай тадбирда иккинчи ўринни эгаллашди.

2001 йилда юксак сифат ва самарали фаолияти учун "STOMASERVICE" Европа Иттифоқининг дипломи ҳамда олтин медали билан мукофотланди.

"Туркистон-пресс"

Мушоҳада

ТАБИАТГА ОЗОР ЕТМАСИН

ИНСОНИЯТ ҲАЁТИ УНИ ЎРАБ ТУРГАН ТАБИИЙ МУҲИТ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚ БЎЛИБ, БУНИ ТАСДИҚЛАЙДИГАН МАНБАЛАР ҲАР ҚАДАМДА УЧРАБ ТУРАДИ.

Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника тараққиёти одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у яратган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда.

Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она деса бўлади, чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита боғлиқ одамзод ва жониворларни зўр таҳликага солиб қўйиши мумкин.

Ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири бўлиб қолди. Атроф-муҳитни соғломлаштириш, унинг мусаффолигини асраш борасида сўз борар экан, аввало бизни ўраб турган гўзал табиатга ҳурмат билан қараш лозим.

Атмосфера ҳавоси турли кўринишдаги зарарли ва зарарсиз моддалар, хусусан газлар, буғлар, чанглар, қурум ва бошқа нарсалар билан ифлосланади. Ҳавонинг ифлосланиш даражаси кўп сабаблар, хусусан турар жойлардаги ҳавони ифлослантирувчи манбалар сонига, чиқариб ташланадиган газлар, буғлар ва бошқа омилларнинг миқдорига, турар жойларнинг иқлими, об-ҳавосига, жўғрофий кенгликдаги жойлашишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳавони ифлослантирувчи манбалардан чиқадиган зарарли моддаларнинг ҳаво ҳавзасида тарқалишини, шунингдек, суюлиб кетишини ўрганиш атмосфера ҳавосининг муҳофазаси борасидаги назорати амалиёти учун турли тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Шаҳарлар қандайдир иссиқлик тарқатувчи оролга ўхшаб бормоқда, натижада кичик ҳудудда юқоридан пастга, пастдан юқорига кўтарилувчи ҳаво оқими пайдо бўлиб, мингларча автоулов воситалари ҳисобига ҳавони туманлар босмоқда, натижада атмосфера ҳавосининг таркиби маълум даражада бузилмоқда.

Атмосфера ҳавосига чиқиндилар уюштирилган ва уюштирилмаган ҳолда ташланади. Масалан, вентиляция тизими ёки аспирация йўли билан тўпланган газ ёки бошқа чиқиндилар йиғилган ҳолда ташланади. Бундай чиқиндилар таркибидаги моддалар концентрацияси анча юқори бўлади, улар атмосферага мўрилар орқали чиқариб ташланади. Масалан, иситиш қозонлари ёқилғи билан иситилганда мўрилар орқали чиқадиган тутун ва газлар шулар жумласидандир. Чиқиндилар кичик-кичик техникалардан, дастгоҳлар устига ўрнатилган қопқоқлардан қувурлар орқали сўрилиб йиғилган ҳолда вентиляция орқали чиқариб юборилади.

Шаҳар шароитида кўча ва майдонларни тоза ҳолатда тутиш муҳим тадбирлар қаторига киради. Маълумки, ёз фаслида, кузда кўчаларда жуда кўп миқдорда маиший чиқиндилар йиғилиб қолади. Хазонларни ва маиший чиқиндиларни ёқиш Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасининг бузилишига, яъни атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмасликка олиб келади ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасига зид равишда қонунбузарликка йўл қўйилганлигини билдиради.

Атмосферанинг саноат чиқиндилари, транспорт воситаларидан чиққан зарарли газлар билан ифлосланиши ҳавода углерод диоксиди, олтингугурт оксиди, азот оксиди, углерод оксиди миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу эса, атроф-муҳит ҳолатигагина эмас, балки кишилар саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилган. «Табиат муҳофазаси ва Ўзбекистон Республикаси барқарор тараққиётини экологик таъминлаш бўйича ҳаракат Миллий режаси», «Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити гигиенаси бўйича ҳаракат Миллий режаси» ишлаб чиқилган.

Афсуски, ҳозир ҳам табиатни асраш масалаларига бағишланган барча қарорларни тўла-тўкис бажариляпти, деб бўлмайди. Бунинг қатор объектив сабаблари бор. Бу одамларда, яъни оддий ишчидан тортиб, то юқори лавозимдаги мансабдор шахсларда ҳам ҳали экологик маданиятнинг юқори эмаслиги билан боғлиқ.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган ҳар бир ҳужжат ёки қарорларнинг тўла ижроси учун масъул шахсларга, табиатга етказилган катта зиён ва жамиятга келтирилган маънавий зарар учун қатъий жазо белгиланиши керак, деган фикрдамиз.

М.УМАРОВА,
давлат нозири

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

●Раҳм ва инсоф ҳақиқий инсон насибасидир.

●Донолар суҳбатида ўтириб, чиройли хулқларни ўрганган киши бахтиёр кишидир.

●Кимки эл учун ҳимматини оширса, эл ичида иззати тўлиб тошади.

●Манманлик жиловини ушлаган киши хорлик оловини ушлайди.

ФАЗИЛАТНИ ОШИРУВЧИ ХИСЛАТЛАР

Инсон фазилатини оширувчи ёқимли хулқлардан бири —тўғриликдир.

Яна бири, омонатга хиёнат қилмаслик ва ҳар бир ишда ҳаё ва уятни қўлдан бермасликдир.

Олий хислатларнинг қолгани—мулойимлик, ширинсўзлик, шафқат, меҳрибонлик, иффат ва олижаноблик кабилардир. Булар бари ақлни қайрашдан ва ички оламни поклашдан ҳосил бўлади.

Ҳикоят. Бир киши томдан йиқилиб Мавлоно Қутбиддин Шерозийнинг нақ гарданига тушди. Ҳол сўраш учун бир неча дўстлари унинг ҳузурига келишди ва аҳволи қандайлигини сўрашди.

— Аҳволим қандай бўларди,—деди унга олим,— яна бошқа биров устимга йиқилмаса эди деб туну кун ўйлаб ётибман.

ҲИКМАТЛАР

●Ўз иши ва касби билан ўзини кўрсатмай, ота-онасининг иши ва амали билан мақтанадиган йигит ҳақиқий йигит эмас.

●Баъзан шундай ноқобил ҳам учрайдики, уйландими, бас, феъли ўзгаради, ота-онани хор қилади, берган бир парча нонини ҳам заҳарга айлантиради.

●Баъзилар тўқлик ва бадавлат пайтларида фақат тилёғлама кишиларнигина кўрадилар, аччиқ панду насиҳатлар қилувчи қариндош-уруғлардан юз ўгириб, улардан бутунлай воз кечадилар.

●Покиза киши ҳамиша шодлик устида, гуноҳкор эса ғам ва қайғу остида.

ИЛМ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Билгинки, ҳаётий маишатингни яхшилайдиган ва ишларингни ҳақиқий тўғри йўлга соладиган энг улуғ восита бу илмдир. Илм буюк қадрга ва олий фазилатга эга. Сен илм туфайли фазлу шарафга, улуғликка ва орзу-истакларга ноил бўласан. Илм касб ва фазилатларнинг энг афзали, илм ўрганувчи эса шу тоифанинг улуғроғидир. Илм орқали яхши-ёмонни танийсан, ҳалол-ҳаромнинг фарқига борасан, дўстлик ва қариндош-уруғнинг фазилатларини англайсан, қонун-қоидаларини тушунасан, ҳақ-ҳуқуқларингни биласан.

Илм шундай бойликки, у сенинг ақлингни мустаҳкамлайди, хулқингни поклайди, табиатингни тозалайди, изза-тингни оширади. Илм сенинг ҳаётингда таҳсинга сазовор бўладиган янгиликлар олиб киради, ёзишга, ижод қилишга, тасниф этишга шароит яратади, бу билан эса сени камолга етказиб, умрингни боқий қилади.

ҲИКМАТЛАР

●Дўст билан душманга қиладиган энг чиройли муомала йўли шундайки, бу муомаладан сўнг дўст дилида муҳаббат ошсин, душман дилидаги адоват эса сусайсин.

●Нафсига эрк берганнинг мурувват эшиги берк бўлади.

●Илм ўрганиб, илмига амал қилмаган киши ер ҳайдаб, уни экмаган кишига ўхшайди.

●Қаноатли кишида ҳасад бўлмайди.

●Кимки гина экса таъна йиғади.

●Ҳулқи бузулганнинг ризқи узилган бўлади.

●Асли тозанинг насли тоза бўлади.

МЕҲМОН ВА МЕЗБОН

Дўстлар, биродарлар ва қариндош-уруғларнинг бир-бировлари билан борди-келди қилиши, меҳмон ва меҳмондорчилик қоидасини амалга оширишлари қадимдан одат бўлиб келмоқда. Билгинки, меҳмондорчиликдаги энг муҳим қоида мезбоннинг очиқ юзлиги, амал ва мартабасидан қатъий назар ўзини катта тутмаслиги, хурсанд ёки хафалигига қарамай, меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдир.

Нодон меҳмон уй эгасини овора қилади, дейилади ҳикматда. Демак меҳмонга боришда қулай вақтни билиш ҳам зарур. Агар боришдан аввал бориладиган ердагилар огоҳлантириб қўйилса нур устига нур бўлиб, хижолатчилик ҳосил бўлмайди. Борди-ю, меҳмон тўсатдан келиб қолса, бундан ажабланмаслик, очиқ юз билан қарши олмоқ керак.

Меҳмон оддий киши бўлиб, мезбон мартаба эгаси бўлса-да, ўртага фарқ қўймаслик, инсонийлик фазилатини унутмаслик улуғ кишилар одатидир.

ҲИКМАТЛАР

●Ҳаёси йўқ пўсти шилиб олинган ёғочки ёғи тугаган чироққа ўхшайди.

●Беадаб одамлар билан суҳбатдош бўлгандан, ёлғиз ўтирган афзал.

●Жойи ва ўрнида қилинмаган яхшилик зулм қилиш билан тенгдир.

●Иззат—одобда, хорлик—гуноҳкорда, бахт—қаноатда бўлади.

КАМОЛГА ЕТКАЗУВЧИ ФАЗИЛАТ

Инсонни камолга етказувчи нарса адабдир. Бироқ адаб қандай ҳосил қилинади? Адаб илм эгаллаш, бадиий, ахлоқий, шеърий асарларни мутолаа қилишдан ҳосил қилинади. Камолга етиш учун тилни адаб билан қуроллантириш қўлни эса тўғриликка одатлантириш лозим.

Донолар айтади: «Адаб ақлли киши учун улуғлик ва фазилатдир». Шунинг учун айтадилар: «Адаби йўқнинг ақли йўқ». Олимлар: «Адабсиз ақл, ақлсиз адаб йўқ», — дейдилар. Демак, ақл ва адаб бир-бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина, у ҳақиқий камол эгаси бўлади.

Айтадилар: «Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди. Хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етказади». Ҳар иккиси ҳам улуғ фазилат бўлиб, бири азиз қилса, иккинчиси қудратли қилади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Футбол

ҲУЖУМКОР ЎЙИН ТАНТАНАСИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ИККИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ НИМЧОРАК ФИНАЛГА ЧИҚИШ БОРАСИДА АКСАРИЯТ ҲОЛЛАРДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТГАНИ БОИС ЖУДА КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ УЧРАШУВЛАРГА БОЙ ҲОЛДА ЎТДИ.

Аргентина — Сербия ва Черногория учрашувида чемпионликка даъвогар жамоалардан бири — Аргентинанинг қандай ўйин кўрсатиши ишқибозларни қизиқтирган эди. Ва ушбу ўйинда чемпионатдаги энг йирик ҳисобдаги ғалаба қайд этилди.

Аргентиналиклар учрашув бошлариданоқ ҳужумга зўр беришди ва 6-дақиқада Родригес ҳисобни очди.

Иккинчи тўп эса жуда чиройли тарзда киритилди. Майдон марказида Савиола бошлаган ҳужум етти бор аниқ тўп ошириш орқали рақиблар жарима майдони томон йўналди ва Эрнан Креспонинг товони орқали оширган тўпини Эстебан Камбиясо охирига етказди ва Жанубий америкаликлар 2:1 ҳисобида олдинга ўтиб олишди.

41-дақиқада Макси Родригес ўзининг ўйиндаги иккинчи тўпини киритди.

Иккинчи бўлимда ҳам аргентиналиклар суръатни бўшаштиришмади. Дастлаб Эрнан Креспо рақиблар дарвозасини забт этган бўлса, Тевез икки ҳимоячини алдаб ўтиб бешинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Сўнгги дақиқаларда Месси киритган тўпдан сўнг Аргентина 6:0 ҳисобидаги ғалабага эришди ва 8:1 тўплар нисбати билан гуруҳда биринчи ўринни эгалаб, нимчорак финалга йўлланма олди.

С гуруҳидаги Голландия—Кот д"Ивуар баҳси ҳам қизиқарли кечди. Голландлар ёшартирилган таркибда улкан марраларни кўзлашаётган бўлса, деярли барча ўйинчилари етакчи Европа жамоаларида тўп сураётган рақиблари Африка қитъасининг энг кучли термаси сифатида баҳоланаётган эди.

Ҳар иккала жамоа муносиб ўйин кўрсатган бўлса-да, учрашувда кўпроқ голландларга омад кулиб боқди. Ван Перси 23-дақиқада жарима тўпини қойилмақом қилиб бажаргани ҳолда ҳисобни очган бўлса, орадан тўрт дақиқа ўтгач «Лолалар мамлакати»нинг энг кучли ҳужумчиси Руд Ван Нистелрой дарвозабон билан яккама-якка чиққан ҳолда имкониятни бой бермади— 2:0. Бу XVIII жаҳон чемпионатида киритилган эллигинчи тўп эди.

Шундан сўнг африкалик футболчилар ҳисобни тенглаштириш учун бор куч-маҳоратларини ишга солишди. Дастлаб Закуранинг кучли зарбаси дарвоза тўсинига тегиб қайтди. 38-дақиқада эса В.Коне узоқдан кучли ва аниқ зарба берган ҳолда ҳисобдаги фарқни қисқартирди. Иккинчи бўлимда ҳисоб ўзгармади ва голландлар ушбу ўйинда қийин ғалабага эришишди.

D гуруҳида ўтказилган Мексика—Ангола баҳси эса чемпионатдаги энг зерикарли баҳслардан бўлди. Дастлабки ўйинда эронликлар билан жуда чиройли ўйнаган мексикаликларни деярли таниб бўлмасди. Иккинчи бўлимда бироз жонланган мексикаликлар ҳужумга зўр беришган, ҳатто 56-дақиқада иккита кетма-кет ҳужум уюштириб, жуда хавфли вазиятларни юзага келтирган, ўйин давомида тўп 2 марта устунга тегиб қайтган бўлса-да, охир-оқибатда учрашувда дарвозалар забт этилмади ва ҳисоб 0:0 лигича қолди.

D гуруҳидаги Португалия—Эрон баҳси эса гуруҳ ғолибини аниқлаши лозим эди. Зеро, ушбу гуруҳда португалияликлар энг кучли жамоа ҳисобланиб, ғалаба уларга 1/8 финалга йўл очарди. Шундай бўлсада биринчи бўлимда Эрон термаси европалик рақиблари билан муносиб тўп сурди. Португалияликлар тўп билан кўпроқ ҳаракат қилган бўлсалар-да, эронликлар дарвозабони Мирзапур бехато ўйнади.

Ушбу ўйинда ҳам португалияликларнинг етакчи ўйинчиси Луиш Фигу жамоадошлари ҳаракатларини чиройли бошқариб, аниқ тўп оширишлари билан мутахассису мухлисларни шод этди. Жумладан, 63-дақиқада Фигунинг тўп узатишидан унумли фойдаланган Деку ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 80-дақиқада эса Фигуни жарима майдонида йиқитганликлари учун Криштиан Роналду пенальтидан ҳисобни оширди—2:0. Ушбу ғалаба Португалия футболчиларига кейинги босқичга йўл очди.

E гуруҳидаги Чехия—Гана учрашувини эса том маънода чемпионатнинг гултожига айланди, десак адашмаймиз. Гана термаси жаҳон чемпионатида илк бор қанашаётган бўлса-да, ёшлар ўртасида улкан ғалабаларга эришганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ганаликлар 17 ёшгача футболчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпионлари бўлишган, 4 бор Африка кубогини қўлга киритишган.

Чехия футболчилари Баррош, Колер каби етакчи чарм усталарисиз ўйинга тушишди. Кутилмаганда беллашув ганаликларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди ва иккинчи дақиқада Асамоа Диан ҳисобни очди. Шу тариқа ганаликлар юқори тезликда, аниқ тўп оширишлар билан рақиблари дарвозаси томон кетма-кет хавф сола бошлашди. Чехия дарвозабони Пётр Чех эса фантастик ўйин кўрсатиб, бир неча бор дарвозасини юз фоизлик голлардан сақлаб қолди. Чехлар ҳам ҳужумкор тарзда ўйнашга ҳаракат қилишган бўлсада, бугун «Қора юлдузлар» лақабли ганаликлар куни эди.

Иккинчи бўлимда ганаликлар пенальтидан тўп кирита олишмади. Бироқ ўйин якунида Мунтари ажойиб комбинацияни муваффақиятли якунлади —2:0.

Ушбу гуруҳдаги Италия — АҚШ учрашуви 1:1 ҳисобида ниҳоясига етди. Ўйинчилар жуда қўпол тарзда ўйнаган ушбу баҳсда учта футболчи майдондан четлатилди. Икки турдан сўнг мазкур гуруҳдан бирорта ҳам жамоа нимчорак финалга чиқа олмади.

КЕЧА

жаҳон чемпионатида навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. F гуруҳи вакиллари Япония— Хорватия баҳси 0:0 ҳисобида якунланди. Бу ўйинда рақиблар деярли тегма-тенг тўп суришганини айтиб ўтиш жоиз.

Бразилия — Австралия баҳси, айниқса ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Ниҳоят бразилияликлар ушбу ўйинда чемпионликка муносибмилар ёки йўқми, кўрсатишлари керак эди. Айтиш жоиз, Роналдо мазкур ўйинда ўзини кўрсата олмаган бўлса-да, Адриано, Рабиньо, Кака каби ёшлар бор куч-маҳоратларини намойиш этишди. Биринчи бўлим бир оз зерикарлироқ ўтган бўлса-да, иккинчи бўлимда бразилияликлар ғалабага бўлган интилишларини кўрсатдилар. 49-дақиқада Адриано ҳисобни очди. Ҳужумларнинг бирида Каканинг боши билан берган зарбаси дарвоза тўсинига тегди. 88-дақиқада Рабиньо зарбаси устунга тегиб қайтгач, Фред тўпни тўрга тушириб, ўйинга сўнгги нуқтани қўйди — 2:0. Бразилия термаси ҳам икки ғалаба билан кейинги босқичга чиқди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

КЕЧА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА АНЪАНАВИЙ ОЛИМПИЯ ЮГУРИШИ КУНИ ЎТКАЗИЛДИ. МАЗКУР ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ВА ЯНА БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Спорт — саломатлик манбаи

БОҒДА ОЛИМПИЯ ЮГУРИШИ ТАДБИРИ

Ҳар доимгидек бу спорт тадбирини Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг ҳомийси — «Nestle Pure Life ичимлик суви» савдо брэнди фаоллик билан қўллаб-қувватлади.

Олимпия югуриши кунининг ҳар йили июнь ойида ўтказилиши бежиз эмас. Маълумки, 1894 йил 23 июнда Олимпиада ўйинларига асос солинган. Илк бор югуриш куни 1987 йилда Халқаро Олимпия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган. Шундан бери ҳар йили Олимпия югуриши куни 200 дан зиёд мамлакатларда бўлиб ўтади ва унда миллионлаб кишилар иштирок этади.

Олимпия югуриши куни — дунёда йирик спорт тадбирларидан бири ҳисобланиб, олимпия ҳаракати ғояларини ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб келади, ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига туртки вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси 1992 йилдан — ташкил топгандан буён ҳар йили Олимпия югуриши кунини ўтказиб келмоқда. Қувонарлиси шуки, йил сайин ушбу оммавий тадбир иштирокчилари сафлари кенгайиб бормоқда, бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида спортга бўлган қизиқиш ортиб бораётганидан далолат беради.

«Олимпия югуриш куни — 2006» спорт байрамининг саралаш босқичларида республикамизнинг барча вилоятларидан спорт ихлосмандлари иштирок этган бўлса, шулардан 900 дан зиёди финал ўйинларида қатнашди. Анъанага кўра, ғолиблар ва совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Жамшид ГАЗИЕВ

Спорт

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

КУНИ КЕЧА ҚОЗОҒИСТОННИНГ АЛМАТИ ШАҲРИДА ОТ СПОРТИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИ ҲАМДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БЕЛЛАШУВЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Жанубий Корея, Хитой Тайпейи, Ҳиндистон, Япония, Эрон, Қирғизистон, Грузия, Россиядан ташриф буюрган моҳир чавандозларга қарши ғолиблик учун кураш олиб борган терма жамоамиз аъзолари Н.Туякбоев, Г.Назаровлар Жаҳон кубоги баҳсларида иккинчи ўринни қўлга киритиб кумуш медаль соҳибига айланишди. Дарвоқе, маҳорат бобида унча-бунча чавандоз билан беллаша оладиган ўзбекистонлик спортчи Е.Чистяковага Жаҳон кубогининг иккита кумуш медали насиб этди.

Шунингдек, Н.Туякбоев, Г.Назаров ва А.Содиқовлар ўта қизғин тус олган мусобақалар якунида Осиё чемпиони фахрий унвонига лойиқ топилишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

РЕКТОРАТИ СИЗЛАРНИ 2006 ЙИЛ 24 ИЮНЬ СОАТ 10:00 ДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.



"ОЧИҚ ЭШИКЛАР" кунига марҳамат!

Манзилимиз: Тошкент ш., Моваройуннаҳр кўчаси, 20-уй

Тел.: 133-19-25, 133-08-27

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ва директор ўринбосари лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Ҳамза Компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи	Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида педагог иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;

3. Сўровнома (справка— объективка);

4. Таржимаи ҳол;

5. Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси;

6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;

7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;

9.Паспорт (нусхаси);

10.Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй, 6-қават.

Тел: 136-05-01; 133-80-34.

Мунажжим башорати

МУҲИМ ТАДБИРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ КУН

20 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Мунажжим М.Смирнова тавсифига кўра, бугун фаол ва қувват жиҳатидан қудратли кун. Олдиндан ҳеч нарсани режалаштирмай, эркин жадвал асосида иш олиб боринг. Лекин бугун муҳим тадбирларни ўтказиш, ҳужжатларни имзолаш ва битимлар тузиш учун хайрли кун экани ёдингизда бўлсин. Таъмирлаш ва қурилиш ишларини бошлаб юбориш мумкин.

Дармонсиз кишилар шу куни кўпроқ ухлаб, дам олганлари маъқул. Табиат қўйнида бўлиш, ўрмон бўйлаб сайр қилиш, чорбоғларда меҳнат қилиш жуда фойдали бўлади. Ижод билан шуғулланиш, жисмоний машқлар қилиш, йога билан машғул бўлиш мумкин. Совуқ сувда чўмилиш айниқса саломатликни мустаҳкамлайди.

Тугмани йўқотиш оғир келиб юрган ришталардан халос бўлишни билдиради. Сув билан боғлиқ аломатлар эса, моддий зарарларга ишорадир.

Бу кеча кўрилган тушлар унчалик аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин тушингизда оқ рангни кўрсангиз, кўзга кўринмас ҳомийга эга эканлигингизга далолатдир.

Биоэнергетик ва экстрасенсор даволаниш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бугун бўйин, томоқ ва қулоқларни эҳтиёт қилиш керак.

Кулранг ва "ҳимоя" ранг кийимлар бугун сиз учун омадли бўлади. Ҳар қандай ёркин ва ола-була ранглардан узоқроқ бўлинг.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланасангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.

Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6